

## ТАДБИРКОР ВА БИЗ ЁШЛАР

Sayidazimov Asroriddin Tohirjon o'g'li

*Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi*

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомлар тасдиқланди 21.04.2021 йилдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5088-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган. Унга кўра

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси тўғрисидаги низомда қуйидагилар назарда тутилган:

- ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилиш ва бошқариш;
- зоналар ҳудудига жойлаштириш учун ёш тадбиркорлик субъектининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва жойлаштириш;
- зоналарда жойлашган бинолар ва иншоотларни хусусийлаштириш;
- тижорат банклари томонидан қурилган бино ва иншоотларни лизинг ёки ижарага бериш тартиби.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомда қуйидагилар назарда тутилган:

- Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари;
- Жамғарма фаолиятини бошқариш тартиби;
- Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;
- Жамғарма маблағларидан фойдаланишга доир ҳисобот ва назорат юритиш тартиби.

Белгиланишича, ёш тадбиркорлик субъекти 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ҳамда юридик шахс мақомида ёки таъсисчилари сифатида саноат ёки хизмат кўрсатиш йўналишида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирган Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланади.

Барча тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда ажратилиши белгиланган.

Тегишли вазирлик ва идораларга 20.05.2021 йилгача қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

- 1.09.2021 йилгача 77 та ҳамда 1.01.2022 йилгача 142 та зоналар ишга туширилишини назарда тутувчи иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими доирасида назарда тутилган имкониятлар ва имтиёзлар тўғрисида ёшлар орасида кенг тарғибот



ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қуйидагилар юклатилди:

- ҳар йили 25 декабр гача – Жамғарманинг келгуси йил учун иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ҳар йили 20 январ гача – Жамғарма маблағларининг тақсимланиши бўйича йиллик ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;
- Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш.

Ҳозирги вақтда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун қатор имкониятлар тақдим этилмоқда. Улардан бири – бу ёшларнинг инвестицион тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун тақдим этилаётган имтиёзли кредитлар.

Демак, ушбу кредитлар айнан қайси лойиҳалар учун ва қандай шартлар асосида тақдим этилишини қуйида кўриб чиқамиз.

Имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорларга барча йўналишдаги инвестицион лойиҳалар учун ажратилади:

- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш;
- тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея;
- кимё, фармацевтика;
- озиқ-овқат;
- электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари;
- ҳунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари.

Ёш тадбиркорларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича ҳам имтиёзлар мавжуд.

1. Ёш тадбиркорлар Ёшлар саноат зоналаридаги бино ва иншоотлардан ижара асосида фойдаланишлари мумкин. Бунда, бўш бино ва иншоотлар давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади.

2. Кейинчалик бино ёки иншоотларни ўз балансида актив сифатида кўришни хоҳловчи ёш тадбиркорлар лизинг асосида биноларни сотиб олиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, “Ёшлар дафтарига” киритилган тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар яратилган:

1. Тадбиркорлик учун зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролиларини харид қилиш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача (ҳозирги кунда 9,8 млн. сўмгача) субсидиялар ажратилади;

2. Деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланишда уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача (ҳозирги кунда 1,96 млн.сўмгача) субсидиялар ажратилади;



3. Ёш тадбиркорлар бино ва иншоотларни ижарага олган бўлсалар, бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи – бироқ кўпи билан 7,35 млн. сўмгача (БХМ нинг 25 баробари) компенсация қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://finlit.uz/oz/articles/credit/new-youth-business/>
2. <https://sputniknews-uz.com/20170703/Mirziyoyev-yoshlarga-Hukumat-eshiklarini-ochdi-5736267.html>

